НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ГЕНДЕР ТАДҚИҚИ

Бахром Журабоев
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола немис ва ўзбек тиллари фразеологиясида гендер муаммоси билан шуғулланган олимлар, гендер муаммосининг тилшуносликдаги аҳамияти, гендер муаммоси устида ишлаган олимлар ва уларнинг фикрлари келтирилиб ўтилади. Уларга умумий хулосалар берилади.

Калит сўзлар: фраза, фразеологизм, гендер, тилшунослик, феминизм, лисоний бирлик.

GENDER RESEARCH IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGE

Bahrom Juraboyev
Student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article presents scholars dealing with gender issues in German and Uzbek phraseology, the importance of gender issues in linguistics, scholars who have worked on gender issues, and their views. They are given general conclusions.

Keywords: phrase, phraseology, gender, linguistics, feminism, linguistic unity.

КИРИШ

Немис тилшунослигида гендерлингвистика социолингвистиканинг бир қисми сифатида қаралади ва у жинслараро кечувчи тил муаммолари билан шуғулланади. Немис тилшунослигида гендер ҳақидаги дастлабки қарашлар эртакшунос, тилшунос ака-ука Гримлар даврида ҳам мавжуд бўлган. Якоб Грим фикрига кўра тилдаги учта грамматик жинсда қуйидаги хусусиятлар мавжуд бўлади.

- ***Maskulinum*** *(mj.род – дастлабки, катта, қатъий, мўрт, тез, ишлайдиган, ҳаракатчан;*
- ***Femininum*** *(ж. род) – кейинги, кичик, юмшоқ, тинч, азобли, қабул қилувчи;*
- ***Neutrum*** *(ср.род) – ишлаб чиқарувчи, йиғилган, ўтмас, ривожланмайдиган.*

Якоб Гримнинг замондоши Карл Буругман унинг бу назариясига қарши чиқади. Уилиам Лайсснинг ёзишича, Бургман Гриммнинг родлар ҳақидаги метафорик назариясига шундай таъриф беради: Дунёни жинслар орқали поэтиклаштириш айниқса тилларда тўғри эмас, чунки баъзи халқлар тилида жинс системаси мавжуд эмас.

Немис тилида сўзларнинг қайси жинсга тегишлилигини билдирувчи 3 та грамматик жинс мавжуд: ***Maskulinum, Femininum, Neutrum.*** Лекин қайси от қайси грамматик жинсга тегишлилигини аниқловчи қоидалар жуда кам. Немис тилида грамматик жинс отларнинг синтактик белгисини билдириш учун хизмат қилади ва гапда муҳим вазифани бажаради. Немис тили грамматикасида 3 та грамматик жинс мавжуд бўлган даврда туркий ва венгер тилларида грамматик жинс мавжуд эмас эди. Француз ва дания тилларида фақатгина 2 та грамматик жинс мавжуд бўлган. Асл Германиялик бўлган Америка тилшуноси Й.Греэнбергнинг ёзишича, бир қанча тилларда грамматик жинс умуман роль ўйнамайди. Лекин немис тилида грамматик жинс кўп нарсани ҳал қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Германияда аёллар тили ва уларнинг роли ҳақидаги дастлабки қараш 1974-йил Германиялик тилшунос Ингрид Гуэнтҳерадтнинг Триер университетида ўқиган маърузасидан бошланган. Олим М.Кей ва Р.Лаккофнинг аёллар тили ҳақидаги назариясидан таъсирланган ҳолда ўз қарашларини баён қилган. Кейинчалик Цента Тромел-Плотз, Ф.Пуш ва Дебораҳ Таннен Германияда аёллар тили тадқиқи билан шуғулланишди. Ф.Пуш ва Тромел-Плотз немис феминистик тилшунослиги асосчилари сифатида талқин қилинади. Олимлар 1979-йил 5-февраль куни Констанз университетида талабаларга **“Лингвистика ва аёллар тили” (Linguistik und Frauensprache)** мавзусида маъруза ўқишади. Кейинчалик улар феминистик лингвистикани тадқиқ қилиш бўйича ишчи гуруҳ тузишади. Улар немис жамиятидан ферминистик лингвистикани қўллаб қувватловчи ва унга ҳайрихоҳлик билдирувчи инсонларни тўплаш мақсадида Германянинг Регенсбург ва Пассау шаҳарларида йиғилиш ўтказишади. Бу йиғилишга нафақат тилшунослар, балки жамиятнинг бошқа соҳалари вакиллари: журналистлар, ёзувчилар, ўқитувчилар, диншунослар, сиёсатчилар ва юристлар ҳам келишади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим, йиғилишга келган ҳамма жамият аъзолари аёллар эди. Феминистик тилшунослик муаллифларининг (аёл муаллифлар) кўпчилиги таъкидлашича, немис тили тил системасида аёлларнинг камситилишини кузатиш мумкин. 1970-1980-йилларда феминистлар ***“Fräulein”***

сўзининг мурожаат жараёнида қўлланишига қарши фикр билдиришади. Чунки бу сўз фақатгина турмушга чиқмаган қизларга ишлатилиши керак, ҳаммага эмас. Бажонидил ва кўп гапирадиган аёлларга ***“Klatschtante”*** ибораси қўлланилган. Лекин эркакларга нисбатан бундай ҳолатда ***“kommunikativ”*** сифати ишлатилган ва бу ижобий баҳоланган. Бундан ташқари, аёлларгагина ***“Blondine”, “Quotenfrau”, “Waschweib”*** каби иборалар қўлланилган.

Немис олими Майкл Хаушер-Малзер мақолларни тарихий ва ҳозирги гендер учун ўйин майдончаси деб ҳисоблайди. Мақоллар тилшуносликнинг бошқа ҳодисаларига қараганда жинслар орасидаги фарқларни яққол кўрсатади. Марлис Ҳеллингернинг фикрига кўра, ***“Ihren Mann stehen“*** каби метафора патриархал қоидани ўзида мужассамлаган, яъни аёл иккинчи даражадаги категория сифатида талқин қилинган. **“Herren sind herrlich, Damen sind dämlich”** *(Жаноблар ажойиб, хонимлар аҳмоқдирлар)* мақолидаги ***“dämlich”*** аёлларга хос сифатни англатади ва бу аслида Нидерландияда гаплашиладиган немис тилида ***“dämeln“*** дегани. Бу сўз ***“аҳмоқ”*** деган маънони англатади. Бу мақолдаги сўзлар бир бирига қофия жиҳатидан тўғри келса ҳам, лекин ***“dämlich”*** сўзи этимологияси жиҳатидан ***Dame*** сўзи билан мутлақо бир-бирига алоқаси йўқ. Мурожаат жараёнида ҳам иккала жинсни бирсини бошқасидан устун қўйиш ҳолати кузатилади. Аёлларга мурожаатда ***”Frau”*** сўзидан фойдаланишди, лекин ҳолбуки бу атама биологик жинсга ҳам ишлатилади яъни «Frau» (аёл). Аммо эркакларнинг ижтимоий номи учун ***”Herr”*** сўзи ишлатилади бу биологик тушунча ***“Mann”*** дан алоҳида. Аёллар ва эркакларнинг номланиши тарихий жиҳатдан ҳам адолатсиз ясалган. Мисол учун ***“Mädchen”*** сўзи ***“Mägdchen”*** дан яъни ***“Magd”*** хизматкор сўзидан, ***“Junge”***, ***“Knabe”*** сўзлари бўлса ***“Junker”*** *(ер эгаси)* ва ***“Knappe”*** *(заминдор)* сўзларидан ясалган. Бу сўзлар хизматкор сўзига қараганда юқори ижтимоий мавқега эга.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Феминистик тилшунослик вакиллари, оғзаки ва ёзма матнларда аёлларни мустақил ва тенг ҳуқуқли инсон деб тан олиш мумкинми деб сўрашади. Ва бунда улар бир қанча тавсияларни таклиф қилишади:

1) Мурожаатда ***“Fräulein”*** сўзини мутлақо йўқотишни;
2) ***“Tennisdamen”*** сўзини ***“Tennisspielerinnen”*** сўзи билан алмаштиришни.

Феминистик тилшунослик нафақат тил тизимлари ва тил нормаларини тавсифлаш ва танқид қилишни, балки сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларни ҳам мақсад қилади. 1980-йилларнинг бошларида феминист тилшунослар биринчи марта таълим ва бошқа муассасаларда тарқатилган гендер хусусиятлардан

келиб чиққан тилдан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқдилар. Унда келтирилган тавсиялар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Шахс номларининг грамматик жинси шахснинг жинсига қараб шаклланиши керак. Масалан жинси нейтрал бўлган ***"Lehrkraft"*** сўзи ёки отлашган сифатлардан ва сифатдошлардан ясалган отлар. Масалан кўпликни ифодаловчи ***"Studierende"*** сўзи.
2) Аёллар қаерда қўлланса ҳам биринчи ўринда қўлланиши керак ва икки жинсни ифодаловчи сўзлар алоҳида алоҳида ёзилиши ва айтилиши керак.
3) Феминик қўшимчалар (Feminine Endungen) агар у янги сўз ясалишига олиб келса ҳам қўлланиши керак.
4) ***"Dame"*** ва ***"Fräulein"*** сўзлар мурожаатларда алмаштирилмасдан ўчирилиши лозим.
5) Эркаклар орқали берилиб, аслида унда аёллар келтирилган ифодаларни йўқотиш керак. М: ***"Herr Müller und Gattin", "Familie Hans Müller".***

6) 1980-йилда ҳар иккала жинсни ифодалаган сўзларни "**I"** белгиси ёрдамида бир биридан ажратиш таклиф қилинган. М: ***Lehrerinnen und Lehrer*** ёки кўплик ***Lehrer*** сўзларининг ўрнига ***LeherInen*** сўзини қўллаш.

Немис тилида 1980-йилдан бери ушбу таклиф қилинган тавсиялардан кўпчилиги ҳозирги кунга қадар амалда қўлланилиб келинмоқда. Аёллар ва эркакларнинг касбларини ифодаловчи айрим сўзларга ҳам ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, **"Krankenschwester"** сўзи **"Krankenpfleger/-in"** сўзига алмаштирилди. Немис тилида сўзлашувчи Швецария ва Австрия давлатларида «I» белгиси аёл ва эркакни ажратувчи белги сифатида сўзларда қўлланилмоқда. Лекин Германияда ҳозирда касбларни ифодалаганда жинсларни фарқлаш учун "_" белгиси урфда, ёки баъзан (in) тарзда қавс ичига "in" қўшимчасини қўшишади. Баъзи ҳолатларда эса икки жинсни ифодаловчи сўзлар тўлиқ ҳолда ёзилади. М: **Hörer und Hörerinnen**.

Жаҳон тилшунослари Ф.Маунтер, Р.Лаккоф, Д.Таннен, Г.Кланн, Ҳ.Коттҳофф, Д.Нублинг, С.Гунтҳер, А.Каралина, Э.Сепир, О.Есперсен А. Попов, М.Колесникова, қаторида ўзбек тилшунослари М.Қурбонова, С.Боймирзаева, Н.Бекмухамедова, Г.Эргашева ва Б.Йўлдошевлар каби кўплаб Ўзбекистонлик мутахассисларнинг эътибори гендер муаммосини тадқиқ этишга қаратилган ва улар гендерлингвистика билан шуғулланиб келишмоқда.

Ш.Искандарованинг "Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари" мавзусидаги номзодлик диссертациясида аёл ва эркакларга хос баъзи лингвистик фарқлар ва "Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш" (шахс микромайдони) мавзусидаги докторлик

диссертациясида жинсий ва физиологик ҳолат асосида фарқланган шахс номлари ҳақида, шунингдек, олиманинг “Аёллар нутқида ундов сўзларнинг қўлланиши”, “Ўзбек нутқ одобини ифодаловчи паралингвистик воситалар” номли мақолаларида аёллар нутқига хос баъзи лингвистик хусусиятлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, хотин-қизларга хос хусусиятлардан бири, улар ҳис-ҳаяжонларининг, ҳолатларининг тез юзага чиқишидир, бу хусусият кўпроқ нутқий воситалар билан ифодаланади. Аёллар нутқида диалогга мойиллик нисбатан устунроқ эканлиги Ш.Искандарова тадқиқотларида қайд этилган.

М.Саидхоновнинг “Новербал воситалар ва ўзбек тилида уларнинг ифодаланиши” мавзусидаги номзодлик ишида ўзбек ва бошқа миллат аёлларининг қайғуни ифодаловчи лексик усуллари ҳақида тўхталиб ўтган. Ф.Мусаева эса “Ўзбек тилида биологик жинсни ифодалашнинг лексик семантик усули” номли мақоласида эркак ва аёл жинси маъносини ифодаловчи лексемалар ҳақида маълумот беради.

Гендерлингвистикага жиддий эътибор ф.ф.д., проф. М.Қурбонованинг тадқиқотларида ҳам кузатилади. 2011-йилда чоп этилган “Ўзбек тилшунослиги. Мамлакатимиз инновацион тараққиёти козгусида” номли илмий мақолалар тўпламида, С.Боймирзаева билан ҳамкорликда “Тилшуносликда гендер тадқиқотлар” ҳамда “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” Республика илмий-назарий анжумани материаллари илмий тўпламида, Н.Ражабова билан ҳаммуаллифликда “Дискурснинг гендер хусусиятлари” номли илмий мақолалари ўрин олган. Б.Аҳмедовнинг “Ўзбек тилида гендер тадқиқи” мавзусидаги магистерлик диссертациясида ҳам гендрологиянинг айрим ўзига хос жиҳатларини очиб берилган

Бундан ташқари ўзбек тилида гендерга оид бир қанча илмий мақолалар ёзилган. Хусусан, Н.Бекмуҳамедованинг “Танишув эълонларида учрайдиган хулқ стереотипларининг гендер аспекти хусусида”, Б.Йўлдошев ва К.Ражабовалар ҳаммуаллифлигида ёзилган “Шахс тавсифи учун қўлланувчи зоонимларнинг гендер хусусиятларига доир”, М.Исаеванинг “Бадиий диалогик нутқда қўлланувчи баъзи вульгаризмларнинг гендер хусусиятлари ҳақида”, Ш.Р.Султоновнинг “Бадиий асарларда аёллар нутқининг таъсирчанлигини ифодалаш воситалари” номли мақолаларида ҳам гендер хусусиятлар ўзбек тили материаллари мисолида тадқиқ қилинган.

Г.Эргашева номзодлик диссертациясида инглиз ва ўзбек тилининг фразеологик ва паремиологик системасига хос эркак ва аёл тушунчаларининг гендер, прагматик, когнитив хусусиятлари, гендер стереотипларнинг ўзбек

фразеологиясидаги тавсифи, ўзбек паремияларининг гендер таҳлили, уларнинг инглиз тилидаги ифодалари билан ўхшаш ёки ноўхшаш жиҳатлари ҳақида фикр юритади. Жумладан, “Гендер муносабатларини ўрганиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига котарилган, чунки гендер муаммоси маънавиятни юксалтириш, ўзликни англаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этмаслик каби масалаларни ифодалайди” – дея гендер тилшунослигининг айнан бугунги кундаги ривожи нечоғли аҳамиятли эканлиги таъкидланади.

ХУЛОСА

Шунингдек, бугунги кунда магистратура йўналиши талабаларининг ҳам тилшуносликнинг янги соҳаларига бўлган қизиқиши ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика, корпуслингвистикаси, когнитивлингвистика ҳамда гендерлингвистика тадқиқига бағишланган магистерлик диссертацияларининг тайёрланаётгани Республикамизда лингвистиканинг мазкур йўналишлари тез суръатларда ривожланаётганидан дарак беради.

REFERENCES

1. Бадалова, Б. Т. (2019). Литература как метод преподавания иностранного языка. *Молодой ученый*, (6), 197-198.
2. Зиядуллаевна, Н. Г., & Тахировна, М. Т. (2020). Обучение студентов к иновационной педагогической деятельности на основе кластера. *Суз санъати,(3)*.
3. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. *Academic research in educational sciences*, (3).
4. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
5. Тажибаев, С. С., & Серебряков, Ю. В. (2015). Динамика общей и специальной физической подготовленности боксеров юношей, занимающихся боксом на этапе начальной спортивной специализации. *Молодой ученый*, (2), 109-111.
6. Tajibayev, S. S. (2016). Use of innovative technologies in registration and processing of indicators of special efficiency of athletes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *4*(2).

7. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
8. ПЎЛАТОВ, С. (2020). 14-16 ёшли футболчилар ҳужумларини ташкил қилишларида ҳажм ва сифат кўрсаткичларини таҳлили. *Фан-Спортга*, (3), 26-28.
9. Masharipova, R., Togaynazarov, S., Pakhrudinova, N., Khasanova, G., & Abdurahimo, B. (2020). The main factors of formation and physical culture in society. *Systematic Reviews in Pharmacy*, *11*(12), 615-621.
10. Люлина, Е. С., & Мирзакулов, Ш. А. (2019). Эффективность применения таксономии Блума в педагогическом процессе вуза (на примере направления" спортивная деятельность"). *Физическая культура. Спорт. Туризм. Двигательная рекреация*, *4*(2).
11. Кдырова, М. А., & Абатова, Г. Н. (2021). Профессионально-педагогическая подготовленность тренеров и возможности её совершенствования с использованием обучающих тестов (в примере волейбола). *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
12. Juraev, A. M. (2020). Process of the transformation of peacefulness into moral need of spiritual ascension. *International Journal of Psychosocial Rehabbilitation*, 4396-4401.
13. Ольховская, И. В., Шукурова, С. С., & Очилов, К. Т. (2020). Криптовалюта-новый шаг в мировой экономике. *Проблемы современной науки и образования*, (2 (147)).
14. Шукурова, С. С., Маматова, З. А., & Юсупова, У. Р. (2020). Исследование количественного содержания аминокислотного спектра мембран эритроцитов и роль генетических и средовых факторов в ее формировании. *Интернаука*, (19-1), 21-22.
15. Адилбеков, Т. Т., Маматова, З. А., Файзулаева, З. Р., Шукурова, С. С., & Тухтаева, Ф. Ш. (2020). Влияние физической нагрузки на систему" двигательное окончание-мышечное волокно". *Молодой ученый*, (9), 75-77.
16. Шукурова, С. С., & Алимова, Д. А. (2020). Развитие тренировочных нагрузок высококвалифицированных боксеров в горных регионах. *Молодой ученый*, (4), 454-456.
17. Владимировно, У. И. (2021). Бадиий гимнастикада спортчи қизларнинг предметлар билан ўзаро ҳаракатининг индивидуал биомеханик хусусиятлари (сифатлари, имкониятлари). *Academic Research in Educational Sciences*, *2*(1).

18. Abdukhalilova, D. (2019). The formation of double words and their place in linguistics. *Proceedings of the scientific-practical conference "Young philology of Uzbekistan - 2019"*, *1*(30), 172-173.
19. Abdukhalilova, D. (2020). Morphological features of double words in German and Uzbek languages. *"Current issues of foreign philology and linguodidactics"*, *1*(30), 111-113.
20. Abdukhalilova, D. (2020). Morphological features of double words in German. *Scientific discussion: problem solving and achievement. proceedings of the republican scientific-practical conference*, 117-118.
21. Хайитов, О. Э., & Эшбоев, А. О. (2019). Спортивный маркетинг в Узбекистане: проблемы и перспективы. *Economics*, (5 (43)).
22. Eshboevich, H. O. (2020). Modeling The Psychological Competence Of Higher Education Leaders (In The Example Of Mid-Level Management Staff). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(08), 55-61.
23. Hayitov, O. E. (2020). Levels of leader psychological competence. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(10).
24. Stötzel G., Wengeler M. Kontroverse Begriffe: Geschichte des öffentlichen Sprachgebrauchs in der Bundesrepublik Deutschland. Berlin, Walter de Gruyter, 1995, S. 527.
25. Hellinger M. Kontrastive feministische Linguistik: Mechanismen sprachlicher Diskriminierung im Englischen und Deutschen. Ismaning, M. Heuber, 1990, S.70.
26. Samel I. Einführung in die feministische Sprachwissenschaft. Auflage E. Schmidt, Berlin., 2000, S.139.
27. Lenz K., Adler M. Geschlechterverhältnisse: Einführung in die sozialwissenschaftliche Geschlechterforschung. Weinheim, Juventa, 2010, S. 100.
28. Häberlin S., Reachel Sch. Wyass E.L. Übung macht die Meisterin. Ratschläge für einen nichtsexistischen Sprachgebrauch. München, Frauenoffensive Verlag, 2002, S. 104.
29. Abdukarimova N. “Shaytanat” asari tilining gender xususiyatlari. Magisterlik dissertatsiyasi. Toshkent, 2014, b. 13-17.
30. Grimm J. Deutsche Grammatik. Drittel Teil. Marburg, Max Niemer Verlag, 1831, S. 371.
31. Kopcke M.K. Untersuchungen zum Genussystem der deutschen Gegenwartssprache. Tübingen, Niemeyer Verlag, 1982, S. 87.